



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

1998 йил 27 июнь, шанба

№ 50 (11.033)

Эркин нархда сотилади

ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК САРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 23—25 июнь кунлари расмий ташриф билан Болгария республикасида бўлди

Сафар арафасида Тошкент, кейинроқ эса София аэропортида журналистлар билан бўлган суҳбатларда таъкидланганидек, Ислам Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегациясининг Болгарияга ташрифидан кўзланган асосий мақсад икки давлат ўртасидаги муносабатлар ҳамда ҳамкорлик алоқалари ривожини унча муштаҳам ҳуқуқий замин яратиши эди. Эътироф этиш керакки, мақсад амалга ошди.

Дастлаб, бош вазир Иван Костов билан суҳбатда Ўзбекистон — Болгария кўшма комиссиясини тузишга келишиб олингани ҳам сафарнинг катта муваффақияти сифатида қайд этиш мумкин. Халқ йигини раиси Иордан Соколов билан учра-

шувда эса икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Қонун чиқарувчи олий орган фаолиятини тақомиллаштиришда Ўзбекистон ва Болгария парламентлари вакилларининг давомли мулоқотларини йўлга қўйиш имкониятлари ҳақида сўз юритилди.

Ислам Каримов Софияда ўтказган мулоқотларнинг энг аҳамиятлиси эса, албатта, икки давлат президентларининг юзма-юз суҳбати бўлди. Давлат раҳбарлари ўзаро муносабатларни ривожлантиришга қаратилган кенг қамровдаги масалаларни кўриб чиқдилар. Ташрифнинг расмий қисми низоҳида бўлган матбуот анжуманида яккама-якка мулоқот ҳақида сўз юритилар экан, унинг фой-

(Давоми 2-бетда).



ҲАР ЙИЛДАГИДЕК бу йил ҳам Янгийўл туманидаги кўп тармоқли "Тинчлик" ширкат ҳўжалигида галладан мўл ҳосил этиштирилди. Айни кунларда ўрим-йғим қизғин бормоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, ҳар гектардан ўртача 40 центнердан ҳосил йиғиштириб олинмоқда.

СУРАТЛАРДА: ўрим-йғим пайти. Ҳўжалик раҳбари (чапдан учинчи) Ҳикмат Қудратов, қомбайнчилар Ақром Миртурсунов, Маждид Бўриев ва Йўлдош Хидировлар галлазорда (пастда).
Равшан НУРИДДИНОВ олган суратлар. (ЎЗА фотохроникаси).



Галла — 98

Вилоят ҳаёти

Янгиликлар, одамлар, воқеалар

"МИЗАН" МУЗКАЙМОҚЛАРИ

"Чирчиқсўт" очик турдаги ҳиссадорлик жамиятида қатор кўшимча бўлимлар ҳам барпо этиляпти.

Музқаймоқ тайёрлашга ихтисослашган "Мизан" корхонаси ҳам шулар жумласидан. Туркиялик ва ўзбек тадбиркорлари биргаликда ташкил этган бу кўшма корхона махсулотларининг бозори чаккон бўлмоқда. Каттаю-кичик ўшдаги чирчиқликлар уни жуда хуш кўрадилар. Бу корхона Европу сифати даражасида музқаймоқ ишлаб

чиқариш бўйича вилоятда ягона ҳисобланади. Ҳозирги вақтда корхона жамоаси шаҳарлик музқаймоқхўрларга кунига беш тоннадан ошик 5-6 турдаги шундай махсулотни етказиб бермоқда. Унинг микдори кунига ўн тоннага, турини эса 15 тагача етказиш режалаштириляпти.

Собир ҲАМИДОВ.

"САРБОН" ГОЛИБ

Жиззахда "Ўзбекистон" гастрол-бирлашмаси ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган миллий эстрада бўйича "Янги тароналар" биринчи республика кўрик-танлови якунланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан келган умидли эстрада гуруҳлари қатнашди.

Танловда Тошкент вилоятининг "Сарбон" гуруҳи ижодий жамоаси бош совринга сазовор бўлди. "Ўзбекнаво" гастрол-концерт бирлашмаси Жиззах вилоят бўлимнинг яққоли Фарход Иброҳимов ва тошкент-

лик хонанда Дилфуза Раҳимова иккинчи ўринга лойиқ деб топилди. Учинчи ўрин Жиззахлик истеъдодли эстрада хонандаси Лариса Москолёвага насиб этди.

Йўлчи Жўра, ЎЗА муҳбири.

ОҚСОҚОЛЛАР СИНОВДАН ЎТДИЛАР

ҲОЗИРГИ бозор иқтисодиёти шароитида ишхотларнинг амалга оширилишини таъмин этиш ва шу асосида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилашда маҳалла оқсоқоллари, фуқаролар йиғинлари раисларининг хизмати катта бўляпти. Бу — уларнинг малакаси, билими, савияси, дунёқарашига боғлиқдир.

Таркибида туман ҳокимлиги ва вилоятдан келган мутасаддилар бўлган комиссия икки қаватда оқсоқоллар, фуқаролар йиғинлари раисларини синовдан ўтказди. Оқсоқолларнинг асосан ўз бурчларини яхши англаган ҳолда меҳнат қилаётганлик-

лари маълум бўлди. Айниқса, Покент шаҳридаги "Мўминобод", "Митон", "Майлибод" маҳаллаларида, шунингдек, Қориз ҳамда Керовчи қишлоқ фуқаролар йиғинларида кейинги пайтларда ибратли ишлар қилнаётганлиги қайд этилди.

Тўхташ ҚОСИМОВ.

ТАКЛИФЛАР ЎРГАНИЛМОҚДА

ВИЛОЯТ халқ таълими бошқармасида "Қадрлар тайёрлашнинг миллий дастури"га таваллуқли шахар ва туманлар халқ таълими бўлимларидан олинган тақлифларни изчил ўрганишга киришилди. Қатор тақлиф-мулоҳазалар ўқитувчиларнинг дастурга бағишланган кенгайтирилган йиғилишларида, махсус семинарлар чоғида тўплаган эди.

Улар орасида ҳуқуқий билимларни ўқитишни бошланғич синфлардан оқшайтган йўлга қўйиш, аҳоли ўқувчиларга ҳомийлар томонидан стипендиялар тайинлаш, илгор ўқитувчиларни

вақти-вақти билан моддий рағбатлантириб туриш, оилавий ўқувни ташкил этишда халқ таълими бўлимларининг ёрдамларини кучайтиришга оид кўпгина муҳим истақлар бор.

Саидвали ҲАСАНОВ.

УЛАР ОЛМОНИЯДА ЎҚИШАДИ

ОЛМОНИЯ Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси савий-ҳаракати билан вилоятимизда очилган тиллар маркази самарали фаолият кўрсатмоқда. Ана шу таълим ўчоғининг услубий, ўқув-техник ногизини барпо этишда ҳам элчихона яқиндан ёрдам берди. Дарсликлар, аудио ва видео аппаратлар совға қилинди.

Натижада кичик вақтда марказда 20 нафар ўқувчи немис тилини пухта ўзлаштириб олди. Шулардан 16 нафари имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, иккинчи даражали халқаро диплом эгаси бўлди.

Немис тилидан имтиҳон топширмаган ҳолда Олмониядаги истаган олий ўқув юртига ўқишга киришлари мумкин.

Вилоят ҳаёти

Янгиликлар, одамлар, воқеалар

ЭРТАНИ ЎЙЛАЯПСИЗМИ?

ҲАР БИРИМИЗ Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг яқинда Фарғона ва Андижон вилоятларида бўлиб, иқтисодий ислохотларнинг қандай амалга ошириляётганлиги билан танишиш жараёнида айтган гаплари, мулоҳазаларини эътибор қилиш билан эшитдик. Қишлоқларда аҳолининг турмуш даражасини ҳар жиҳатдан яхшилаш, юзага келаятган муаммолар, рўй бераётган камчиликларни ҳал этиш учун биринчи навбатда нималарга эътибор бериш кераклигини билиб олдик. Янгича ишлаш, янгича фикрлаш ҳисси фаолиятимизда муҳим ўрин тутиши зарурлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Шу муносабат билан айрим мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашмоқчимиз.

кейинги йилларда бир мунча ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда вилоятда 138 та кўшма корхона рўйхатга олинган. Лекин уларнинг атиги 88 таси фаолият кўрсатмоқда. Қолганларининг тақдирини билан эса ҳеч ким қизиқмаяпти. Кошки энди ўша фаолият кўрсатаётганларнинг ҳаммаси ҳам бевосита моддий бойлик ишлаб чиқараётган бўлса! Йўқ,

МУНОСАБАТ

ундай эмас. Кўпгина корхоналарнинг тижорат усулида фаолият кўрсатаётганлиги ачинарлидир. Дарҳақиқат янги иш жойларини ташкил этиш йил сайин муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Ишлаб чиқилган бандлик дастурига асосан ҳар йили ўртача 30-32 мингга яқин янги иш жойлари барпо этилмоқда. Тамойилга қўра ташкил этиладиган кичик корхоналар маҳаллий хом-ашёдан, замона талабларига мос, харидорғир махсулотлар ишлаб чиқаришга асосланган бўлиши керак. Афсуски дастлабки пайтларда бу ҳисобга олинмади, ҳайбаракалчалчиликка йўл қўйилди. Натижада бир-икки йил ўтар-ўтмас, четдан олиб келинган хомашё тугади. Олиб келиш қийин бўлди. Натижада бундай корхоналарнинг айримлари инкирозга юз тутди. Ўз фаоли-

ятини тўхтатди. Бундай мисолларни ҳар бир тумандан келтириш мумкин. Яна бир гап, айрим туманлар, ҳўжаликлар раҳбарларининг лоқайдлиги тўғрисида кичик корхоналар ташкил этишдаги илгор тажрибалар омаллаштирилмаяпти. Масалан, Тошкент туманидаги Фулом-маҳмуд Абдуллаев номли жамоа ҳўжалигида бундан 10-15 йил илгари қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини қайта ишлайдиган корхона ташкил этилган эди. Шу йиллар мобайнида корхонанинг нуфузи ошди. Бой тажриба тўплади. Қайси вилоят, худуддан меҳмон келса мазкур ҳўжаликка тақлиф этилади, бу ердаги ишларни кўз-кўз қилиб кўрсатадилар. Бу яхши, албатта. Лекин савол туғилади. Нега шу йиллар мобайнида тумандаги бошқа ҳўжаликларда ҳам ана шу сингари корхоналар ташкил этилмади. Тўғри, Навоий жамоа ҳўжалигида консерва цехи иши йўлга қўйилди. Лекин у юлдуз кўрмай жон берди. Боз устига бу цехни бир тадбиркорга сотиб обордилар. Тадбиркор кулф солганга цех ишламай қолди кетди. Ҳўжаликнинг янги раҳбарияти бу цехни қайта очиш ҳаракатида юрибди.

Шаҳарга яқин туманларда очилган катта-кичик корхоналар яхшими-ёмонми, ҳар ҳолда ишлаб турибди. Қолаверса ёшлар уларнинг ишидан қониқ-

Носир РИХСИЕВ.

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

Бекobodдаги "Ўзметкомбинат" ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ишчи-хизматчиларга турли қулайликлар яратиб беришга алоҳида эътибор бермоқда.

Шу мақсадда корхонага яқин жойларда саёдо-сотик дўконлари, маданий-маиший хизмат мажмуалари қурилиб ишга тушириляпти. Уларнинг хизматидан жамият ишчилари ҳам, атрофдаги аҳоли ҳам хурсанд.

Яқинда комбинатнинг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган цехига қираверишда теле ва аудио аппаратларини тузатадиган устaxonа очилган эди. Қуни кеча эса меҳнатқашларга яна бир қулайлик яратилди. Бу ерда енгил автомобилларни таъмирлаш устaxonаси иш бошлади.

Ориф НОМОНОВ.

Ҳар бир инсон, у қайси соҳада меҳнат қилмасин, бугунги эмас, кўпроқ эртани уйлаш керак. Бу гап бойлик яратаятган меҳнатқаш ва жафоқаш деҳқонларимизга ҳам тааллуқлидир. Улар турмуш даражасининг ҳар жиҳатдан юксалиши эса қишлоқда ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг яхши бўлишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз бу масалага алоҳида эътибор бериб келмоқда. Уни қандай ҳал этишнинг аниқ ва равшан йўллари кўрсатиб бериляпти.

Хўш, биз ана шу йўллardan, ишлаб чиқилган дастурлардан қандай фойдаланмоқдамиз? Қишлоқ аҳолининг келажиги ҳақида қандай тасаввурга эгамиз. Бу саволларга аниқ жавоб бериш учун бошқа бир саволга асосли жавоб бериш керак. Дейлик, бир қишлоқ-

дий манфаатдорлигини доимо назарда тутадиган, ўзининг билими, амалий тажрибаси, янги навларни яратишга озми-кўпми хисса қўшаётган, маҳоратлари, малакалари, талаблар даражасида бўлган, боғлардан яхши иқтисодий самара кўраётган, янгидан экилган кўчатларни даярли тўла сақлаб қилинишига эришяётган, ҳосилдорликни йилдан-йилга ошириб бораётган боғбонлар, фуқаролар илгирок этадилар. Шартлар қандай бажарилганлигини малакали мутахассислардан иборат ҳайъат аъзолари аниқлайдилар.

Ҳолилар учун урта совринли ўрин белгиланди:
биринчи ўрин учун 25 минг сўм;
иккита иккинчи ўрин учун 15 минг сўмдан;

Бундан ташқари кўрик-танлов давомида ҳайъат аъзолари "Оилавий боғлар", "Энг яхши боғ", "Энг миришкор боғбон", "Мураббий боғбон" номларига муносиб топилганларни ҳам аниқлайдилар, мукофот ва совринларга тавсия этадилар. Ҳолиларга пул мукофотлари, совринлар билан бирга биринчи, иккинчи ва учинчи даражали дипломлар, faxрий ёрликлар ҳам топширилади.

Учта учинчи ўрин учун 10 минг сўмдан пул мукофоти берилади.

Танловга йил охирида яқин чиқарилади. Натижалари натибуотда эълон қилинади, мукофотлар топширилади.

БОҒ ЯРАТГАННИНГ НОМИ АБАДИЙ

"Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими "Ўлкамиз боғлари нуронийлар эътиборида" шiori билан ташаббус бошлаган эди. Шуну кувонч билан айтиш керакки, ўтган вақт мобайнида бу ташаббус кенг оммалаша бошлади. Хайрли ишда нуронийлар, faxрийлар, кекса миришкорлар, ҳаваскор боғбонлар фаол иштирок эта бошладилар

"НУРОНИЙ" ЖАМҒАРМАСИ фуқароларини моддий жиҳатдан рағбатлантириш, ташаббусини янада кенг ёйиш мақсадида "ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ" газетаси билан ҳамкорликда кўрик-танлов ўтказишга қарор қилди. Танлов шартларига қўра мевазор боғла-

рининг майдони бир гектардан кам бўлмаган, кўчатларнинг агротехника қондаларига мос равишда жойлаштирилиши таъмин этган, дарахларни буташ, шакл бериш, ўғитлаш, қатор ораларига ишлов беришни рисоладагидек ўтказаятган, боғбонларга зарур шарт-шароитлар яратиб бераётган, уларнинг мод-

Вилоят "Нуроний" жамғармаси, "Тошкент ҳақиқати" газетаси тахририяти.

ГАЗЕТАДАН МАМНУНМИЗ

Оммавий ахборот воситаларининг жамиятимиз ҳаётида туган ўрни беқийс. Шунинг учун ҳам уларнинг нуфузи тобора ортиб бормоқда. Чунки ахборот воситалари, хусусан, газеталар ходимларининг нигоҳи тушмаган соҳа йўқ ҳисоби. Газеталар саҳифаларида юртимизда олиб борилган бунёдкорлик ишлари, меҳнаткашларнинг фикр-ўйлари, орзу-умидлари ўзининг ифодасини тўла ва ҳаққоний топмоқда.

Айниқса, янги замон кишини, яъни юксак маданиятга, маърифатга, Ватан тараққиёти, эл-юрт раънақи, аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўлида жон фидо этувчи фидокорларни тарбиялашдаги хизматлари беқийс. Шу сабабли оммавий ахборот воситаларининг жамият тараққиётининг маълум босқичидаги ҳаёт солномаси, ойнаси дейишарди.

Ана шулар қаторига мен "Тошкент ҳақиқати" газетасини ҳам қўшган бўлардим. Чунки газета вилоятимизда бўлаётган барча ўзгаришларни — ижобий ишларни ҳам, айрим камчилик ва нуқсонларни ҳам ҳолис ёритиб бормоқда.

Мен газетанинг ҳар бир сонини синчковлик билан ўқиб бораман. Унинг саҳифаларидан ўрин олган ҳар бир янгилик, тажриба, ибратли ишлар ҳақида ҳикоя қилувчи материалларни алоҳида диққат

билан қараб чиқаман. Муовинларим, мутахассислар билан фикрлашиб, ўша янгилик, тажрибани қўллаш тўғрисида нима бериши мумкинлиги масаласини кўрамиз.

Агар бизнинг шароитимиз учун фойдали бўлса, албатта уни ўрганиб, ҳаётга тадбиқ этамиз. Ана шу маънода газета туманда иқтисодий ислохотларни жадаллаштиришга ёрдам бермоқда, деб айтишим мумкин.

Ёки бошқа мисол. Газетада у ёки бу тумандан бирор танқидий мақола чиқди дейлик. Гарчи у бизга тааллуқли бўлмас ҳам, газетада айтилган камчилик ва нуқсонлар туманимизда борми, йўқми аниқлаймиз. Бўлса, тугатиш чораларини кўрамиз.

Шунинг учун ҳам туманимизда кўпчилик соҳаларда ижобий ютуқлар бўлаётганини таъкидлашни истардим. Ана шу ютуқларимизни газета ходимлари кўриб, англаб ёритишаётир. Бу ўз навбатида одамларни яна ҳам яхшироқ ишлаб, янги-янги ютуқларни қўлга киритишга илҳомлантирмоқда.

Мен оммавий ахборот воситаларининг байрами кунинда "Тошкент ҳақиқати" газетаси ходимларига энг эзгу истакларимни йўллайман. Эл-юрт раънақи йўлидаги қийин, аммо шарафли ишларида омадлар тилайман.

Мирзамашраб КУЧЧИЕВ, Қибрай тумани ҳокими.



Ҳар тонг «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг ротация цехида босилаётган ўнлаб газеталар ўқувчилар қўлига ўз вақтида етиб боришида сиз суратда кўриб турган фидокор ишчиларнинг ҳиссаси ҳатта.

ОҲАНРАБОСИ БОР

Кўпинча одамлиқ, меҳр-оқибат, камтарлик фазилатлари нега илгаригидек эмас, дея нолиб қоламиз, мақолалар ёзамиз. Лекин назаримда, юқорида санаб ўтилган фазилатларнинг барчаси моҳир журналист Умида Файзиевада мужассам. Негаки, Умида опа ўз касбининг фидойиси, ҳамма бир сўхбатлашишдаёқ у кишига ўхшаши орзу қиладиган инсон. Опанинг вақти доимо тизиб бўлишига қарамай, ёш муҳбирлар қуршо-вида. Улар ёзган мақола-ларни эринмай ўқиб чиқади, таҳрир қилади, йўл-йўриқ кўрсатади. Устоз ҳеч қачон: "Мақолангни ўқишга вақтим йўқ", демайди. Умида опанинг шу хислатини таърифлаб, ҳамкасби Урол Ўзбек шундай дейди: "Опа жуда меҳнаткаш, фидойий инсон. Иши бошидан охиб ётишига қарамай, шогирдлари билан сўхбатлашишдан, уларнинг мақолаларини кўриб, маслаҳат беришдан асло эринмайди. Таҳририятга кўпинча Умида опани сўроқлаб келишларининг боиси ҳам шунда. Умида опа замонавий аёл. Аммо, одооба, камтарлик, аёлларга хос бўлган ифбат, ҳаё борасида ҳар қандай аёлга ўрнатилган бўлган."

Умида Файзиева ўз шогирдлари тақдирини билан доимо қизиқувчан, куюнчак инсон. Унда одамни ўзига тортадиган қандайдир оҳанрабо бор.



Кейин "Фан ва маданият" бўлимида кўп йиллар ижодий ходим бўлди. Ота-си Раҳмат Файзиева муносиб фарзанд эканини исботлади. Шунга айтиларди-да, "От ўрнини той босар", деб. 1997 йил бошларидан Умида Файзиева "Меҳригёҳ" газетасида муҳаррир муовини бўлиб ишлаб боради.

— Журналист аслида иш фаолиятини қуйи погондан, яъни дастёрлик, мусаҳҳилдан бошлагани маълум, — дейди Умида опа, — шунда у газетачиликнинг барча сир-асорини чуқур ўзлаштириди. Етук журналист бўлиб етишди.

Умида опа оилада ҳам турмуш ўртоғига садоқатли аёл, фарзандларига меҳрибон она. Опанинг турмуш ўртоғи Файрат ака Раҳматуллаев ҳам журналист. Фарзандлари Асалхон, Адибахон, Адолатхонлар онажонининг энг яқин ёрдамчилари, кўмақдоши. Мақоланинг сўнгига шунга айтишим лозим. Мен Умида опа билан доимо фахрланаман. Шогирд бўлганга шукроналар айтаман. Уларга: "узок умр кўринг. Матбуотга ҳали қўнлаб шогирдлар ўткир мақолалар билан хизмат қилинг, азиз устозим — ошаним!" Бугунги байрам — матбуот ходимлари кўни муборак бўлсин! — дейман.

Акбар Йўлдошев, журналист.

"НАВРЎ - БОҚИЙ БАЙРАМ" ТАНЛОВ ҲОЛИБЛАРИ

Наврў халқимизнинг энг қадим ва мўтабар байрамидир. Бу улғу шодиёнинг ҳеч бир байрамга ўхшамайдиган жиҳатлари мавжуд, у халқнинг янада ҳамжихат, саховатли, меҳр-оқибатли бўлишига хизмат қилади.

Бу кутлуг байрамнинг бетакрор жиҳатлари ялт этиб кўзга ташланганда, янада оммавий тус олишида қалам аҳлининг хизмати беқийсдир. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг "Наврў — боқий байрам" танловига тақдим этилган материалларнинг ранг-баранглиги ҳам бу борада ижодкорлар янада изчил изланаётганидан далолат беради.

Танлов ҳаёти ялт этиб кўзга ташланганда, янада оммавий тус олишида қалам аҳлининг хизмати беқийсдир. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг "Наврў — боқий байрам" танловига тақдим этилган материалларнинг ранг-баранглиги ҳам бу борада ижодкорлар янада изчил изланаётганидан далолат беради.

Танлов ҳаёти ялт этиб кўзга ташланганда, янада оммавий тус олишида қалам аҳлининг хизмати беқийсдир. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг "Наврў — боқий байрам" танловига тақдим этилган материалларнинг ранг-баранглиги ҳам бу борада ижодкорлар янада изчил изланаётганидан далолат беради.

40 ЙИЛДАН БЕРИ ҲАМКОРМАН

"Тошкент ҳақиқати" мен учун ниҳоятда қадрдон газета. Деярли чоп этила бошлаган йилдан бошлаб таҳририят қаламашлари билан ҳамкорлик қилиб келаман. Дастлабки ёзган ва газета саҳифаларида берилган хабарларим ҳамон кенгайиб келибди. Ўшқандан фан ва техника қизикганим учун шу соҳаларга оид материаллар билан қатнаш бошладим. Ёзган хабарларимнинг кўпчилиги "Фан-техника" йилликлари руҳини остида бериладди.

Таҳририят қаламашлари мени дом хушнудлик билан кутиб олишар, ёзиб келган хабарларимни маълумлашар, у билан мени ҳар томонлама рағбатлантиришарди.

Талабалик йилларим, сўнгра

аспирантурада ўқиб юрган кезларимда ҳам таҳририят билан алоқани узмадим. Ёзиш ички эҳтиёж бўлиб қолган эди. Қаламининг остидан чиққан материалларнинг газета саҳифаларида ёритилиши ниҳоятда гурулли ва завқли эди.

Бундан сал олдинроқ ҳар бир муулмон учун муқаддас бўлган Ҳаж сафарига бориш бахтига мурасор бўлдим. Ушбу сафар тас-суротларимнинг бир қисми "Тошкент ҳақиқати" газетасида босилиб чиқди. Унда ҳар бир муулмон учун беқийс қадим, муқаддас Макка Мукаррама шаҳри ҳақида ҳикоя қилинган эди. Газетонларда бу шаҳар ҳақида қисман бўлса ҳам тасаввур ҳосил қилганимдан бехад хурсандим.

Газета таҳририяти билан ҳамкорлигим бошланганига 40 йилдан ҳам охибди. Хали ҳам шу газета илҳомландиман. Уни дом кузатаман. Газета мазмунан бойиб, беағзи яшилганлиб бораётганлигиндан хурсанд бўлаяман.

Республикамизда бугун оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни тантанали байрам қилинади. Менга қадрдон бўлиб қолган "Тошкент ҳақиқати" қаламашларини бу кутлуг айём билан чин қалбимдан табриқлайман ҳамда уларга она-юрт фаровонлиги йўлида суратшўна, жозибали ишларида муваффақиятлар тилайман.

Қудрат Ҳожи АҲМЕРОВ, кимё фанлари доктори, профессор.

ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК САРИ

Ўрнатиш фикрлари ҳам кўп бор ўртага ташланди.

Ухшаш томонлар ҳақида сўз кетганда, конституция ва тараққиёт йўли, унинг шакли шамойилни ҳам кайд этиш жоиз. Болгария ҳам демократия тамойилларига таянган ҳуқуқий давлат куриш, ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш, ижтимоий соҳани кенг қўллаб-қувватлаш, тинчликпарварлик йўлидан бормоқда.

Маълумки, Болгария Европа Иттифоқи ва НАТОга аъзо бўлиш истиғини билдирган. Бу мамлакат раҳбарияти ўз олдида фуқаролари фаровон турмуш кечирадиган, иқтисодий мустақам давлат куриш мақсадини қўйган. Бунга эришиш эса осон эмас. Лекин, иқтисодий юксалиш, ўз хавфсизлиги, мамлакат суверенитети ва дахлсизлигини таъминлаш учун ҳар бир давлат ўзига хос ва ўзига мосу йўли тугатиш табиий. Матбуот анжуманида Болгария президенти П. Стоянов таъкидладики, мамлакат учун қандайдир саъй-ҳаракатлардан чекингандан кўра, Европа Иттифоқи ва НАТО сингари нуфузли халқроқ тузилмаларга аъзо бўлиш кулайроқ ва энг муҳими, манфаатлидир. Давлатимиз раҳбарии ҳам Болгария раҳбариятининг бу стратегиясини қўллаб-қувватлади.

Ислом Каримовнинг Болгарияга расмий таширифи яна шуниси билан аҳамиятли бўлдики, музокаралар якунида президентлар дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага имзо чекдилар. Шунингдек, Ўзбекистон томонидан Бош вазир ўринбосари Л. Ахметов, маданият

ишлари вазири Х. Жўраев, таъкид иқтисодий алоқалар вазири Э. Ганиев, таъкид ишлар вазири А. Комилов, Болгария томонидан маданият ишлари вазири Э. Москва, савдо ва сайёҳлик вазири В. Васильев, транспорт вазири В. Краус маданият, сарможаларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, савдо-иқтисодий, сайёҳлик, автомобилда халқроқ йўловчи ва юк ташиш соҳаларида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги ҳуқуқатларро битимлар ҳамда транспорт соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумга имзо чекдилар.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон — Болгария муносабатларида шу кунгача бирор келишмовчилик ёки аниқлашмаслик юзага келгани йўқ. Лекин, шу билан бирга, давлатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг асосий тамойилларини аниқ ифодалаб берадиган ҳужжатлар ҳам йўқ эди. Замон эса қонунга асосланиб иш қилишни талаб қилади, яъни алоқалар ҳуқуқий пойдеворга таяниши лозим. Президентимизнинг София сафари мобайнида еттига еттига ҳужжат имзоланиши бу борадаги хайрли ишларнинг бошланишидан далолатдир.

Ўзаро муносабатларимизнинг мустақам ҳуқуқий замини яратилгани Ўзбекистон учун нечоғли муҳим аҳамият касб этишини куйидаги мисолдан ҳам аниқлаш мумкин. Маълумки, жаҳон бозорига чиқиш — бой табиий захирага, улкан иқтисодий ва ақлий салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон учун жуда муҳим ва аниқ пайтда чекитириб бўлмайдиган масаладир. Болгари-

янинг Қора денгиз бўйидаги ҳудудлари эса замонавий портлар мавжуд. Табиийки, Ўзбекистон-Туркмаанистон-Озарбайжон-Грузия йўналиши Қора денгиз орқали Болгария ҳудудидан давом этса, бу мамлакатимиз учун ҳам кулай, ҳам фойдали бўлади. Чунки, сир эмас: айрим ҳолларда четга маҳсулот чиқариш ёки хориждан товар олиб келишини йўлқираси товарнинг баҳосидан ҳам охиб кетади. Шу боис, юртбошимиз таъкидладики, Болгария билан муносабатларни мустақамлаш давлатимиз келажаги учун муҳим аҳамиятга эга.

София сафаридидаги самарали мулоқотлардан яна бири миллий маданият уйида бўлиб ўтди. Бу ерда Ислом Каримов маҳаллий ишбилармонлар билан учрашди. Юртбошимиз мустақилликка бўлган даврдан ўзбекистонда ҳукм сурган иқтисодий вазият ҳамда кейинги йилларда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар ҳақида сўзлади. Шунингдек, давлатимиз раҳбари болгар ишбилармонларини ўзбекистонлик ҳамкасблари билан янада яқинроқ ҳамкорлик ўрнатиш, шериклик муносабатларини кучайтиришга даъват этди. Бунинг учун Ўзбекистонда барқарор иқтисодий муҳит қарор топган, кулай шарт-шароит ва ҳуқуқий асос яратилган.

Болгарияга сафар чоғида Ислом Каримов мамлакатнинг йирик порт шаҳарларидан бири — Варнада бўлди. Давлатимиз раҳбари президент П. Стоянов ҳамкорлигини даъват қилиш масаласини ўртага ташлагани ҳам маълум бўлди.

Икки давлат президентларининг ақлама-якка сўхбатини даъват қилиш масаласини ўртага ташлагани ҳам маълум бўлди.

Мазкур ташкилот Қора денгиз бўйидаги давлатлар ташаббуси билан тузилган. Яқинда Украинанинг Ялта шаҳрида мазкур ташкилотнинг низоми қабул қилиниб, янги тузилма қонуний тарзда ўз фаолиятини бошлади. Болгария эса аниқ вақтда унга раислик қилмоқда. П. Стоянов Ўзбекистон раҳбари билдирган тақлидини қўллаб-қувватлади.

Шундай қилиб, Ислом Каримовнинг Болгария сафари натижаларига назар ташланса, расман еттига ҳужжат имзоланган эса-да, муҳокама этилган масалалар ва келишувлар бундан бирмунча кўпроқ экани аён бўлади. Бу эса таширифинг аҳамиятини янада оширади. Зотан, ўзаро муносабатлардаги бундай юксалиш тарихий зарурат ҳам эди. Ислом Каримовнинг бу юксалиш талаб қилиётган жараёни жадаллаштиришга интилоқда, деган сўзлари замирида ҳам ана шу ҳақиқат ётади.

Ислом Каримовнинг Болгарияга расмий таширифи якунлари ҳақида сўз кетганда яна бир жиҳатга тўхталиш лозим. Дўст мамлакатда мазкур таширифта катта аҳамият берилди ва алоҳида эътибор билан қаралди. Оммавий ахборот воситаларида унга кенг ўрин берилди. Бу ўзаро дўстликнинг мустақамлиги, яқинликка интилиш ва муносабатларни янада юқори поғонага кўтариш истаги нечоғли самимий эканини кўрсатади.

Анвар БОБОВЕВ, ўза ахборот муҳбири. Тошкент — Варна — София — Тошкент.

Шу мақсадда турли чет эл компаниялари ва фирмалари билан амалий алоқалар ўрнатиляпти. Улар билрлама билан янги, унумли ишлайдиган ва қувватли асбоб-ускуналар етказиб бериш юзасидан қатор шартномалар тузишга розилик билдирмоқдалар. Жумладан, Франциянинг "Керб" фирмаси билан қарбамид ишлаб чиқаришни янгилаш ва кенгайтириш бўйича контракт тузилди. Қайта куриш ишлари Голландиянинг "Стамикарбон" фирмаси технологияси асосида олиб борилади. Бунинг учун кўп миқдорда маблағ сарфлашга тўғри келади. Лекин самараси ҳам салмоқли бўлади. Ҳаражатлар узоғи билан беш йил давомида қолланади. Энг муҳими, бирлашма қорбамид ишлаб чиқариш бўйича бутунлай янги қурилмага эга бўлади.

Қайта куриш ишлари тугатилгандан кейин қурилмининг қуввати сезиларли ошади. Иллига 30 минг тонна қимматли қимматли ва маъданли ўғит ишлаб чиқарилади. Махсулот тайёрлаш учун энергия сарфи кескин камаяди. Бу ва сув ҳажми икки баравар ва ундан ҳам ортиқ қўрсқарилади. Хар йили тежаб қолнайдиган электр энергияси 6 миллион 600 минг киловатт-соатни ташкил этади. Ани вақтда аммиак ҳам сезиларли миқдорда иқтисод қилинади. Унинг тежалли саккиз минг тоннагача бориши назарда тутилмоқда.

Янги қурилмининг қатор бошқа афзалликлари ҳам бор. У табиат муҳофазасини яхшилаш, ишлаб чиқариш майдонида экологик аҳволни соғломлаштиришга ҳам олиб келади.

Собир МАҲМУДОВ.

ҚУРИЛМА ЯНГИЛАНДИ

"Электромисаноат" ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти қорхонанинг бундан бўён ҳам барқарор ва бир маромада ишлашини таъминлаш учун унинг бўлиминларини замонавий ва унумли техника билан таъминлашга катта эътибор бермоқда.

ҲОЛИБЛАРГА МУКОФОТЛАР

Бўқа тумани табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси атроф-муҳит мусоффолигини яхшилашга қаратилган фаолиятни кенгайтириш учун ишнинг турли шаклларида фойдаланилмоқда. Яқинда жамоа хўжаликлари, саноат, транспорт қорхоналари, хусусий фирмалар, умумий омақтлаштиш тармоқлари жамоаларининг жаҳон табиатни муҳофаза қилиш кўнига бағишлаб уюштирилган танлови якунланди.

Бундай хайрли ишда фаол қатнашган кўпгина жамоалар атроф-муҳит мусоффолигини таъминлашда яхши натижаларга эришганликлари қайд қилинди. С. Саймоқов, Ҳожиматов номили ва "Туркистон" жамоа хўжаликлари, автотранспорт қорхонаси, босмаҳона, нон комбинати, қатор ошхона ва чойхоналар танлов ғолиблари қаторидан ўрин олдилар. Улар қимматбаҳо мукофотлар — гиламлар, полослар, чинни тўпламлари ва бошқа буюмлар билан тақдирландилар.

Чара ПЕРЕПЕЛИЦИНА.

ОДАМ ХАҲАТ ИЧИДА

МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР

АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН

► ДАККА. Бангладеш бош вазири Хасин Вазед амалий ташриф билан Покистонга келди. У Исламободда бош вазир Навоз Шариф билан учрашди. Утган ҳафтада Хасин Вазед Хиндистонга ташриф буюрган эди.

Мазкур ташрифлардан кўзда тутилган асосий мақсад Хиндистон билан Покистон ўртасидаги тўхтаб қолган музокара-лар жараёнини кайтадан жонлантириш ва шу йўл билан Жанубий Осиёда юзга келган сиёсий кескинликка барҳам беришдир.

ТЕМИРЙЎЛДАГИ ПОРТЛАШ

► ДЕХЛИ. ХИНДИСТОННИНГ Жамна-Деҳли йўналиши бўйича қатнаётган йўловчи поезди террорчи-лар томонидан портлатилди.

Маълумотларга қараганда, террорчилар темир йўлга иккита кучли портловчи курилма қўйган. Содир бўлган портлаш натижасида тўққизта вагон ағдарилиб кетган. 30 нафардан зиёд йўловчи оғир жароҳатланган. Қурбон бўлганлар ҳақида ҳозирча маълумот йўқ.

АРАБ ДАВЛАТЛАРИ УЧУН МАЪКУЛ ЭМАС

ЖИДДА. Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири

Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири шаҳзода Сауд Ал-Файсал Исроил ҳукуматининг Қуддус шаҳри маъмурий ҳудудини кенгайтириш ҳақидаги режасини араб давлатлари учун маъқул эмас, деб баҳолади. Унинг таъкидлашича, Қуддус яҳудий қишлоқлари ҳисобига кенгайтириш ҳаракатлари қабул қилинган халқаро меъёрларга зиддир. Қолаверса, бу минтақада тинчлик ўрнатишга салбий таъсир кўрсатади.

ЁНҒИН ТЎХТАМАЯПТИ

► ВАШИНГТОН. Бир неча кундирки, АҚШнинг Флорида штати ўрмонларида ёнғин тўхтамапти. Ёнғинни ўчиришга ҳарбийлар ҳам жалб қилинмоқда. Пентагон вакили Кеннет Бейконнинг маълум қилишича, АҚШ миллий гвардияси захирасидан 120 нафар ҳарбий хизматчи ҳамда ҳарбий ҳаво кучлари захирасидан 10 киши ва 4 та ҳарбий вертолёт ўт ўчирувчиларга кўмак бериш учун мазкур штатга юборилди. К. Бейконнинг таъкидлашича, агар зарур бўлса Флорида маъмурияти ҳарбийлардан яна ёрдам кўчлари сўраши мумкин.

ЧЕГАРА ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШ КЕРАК

